

ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Болтаев Тўлқин Қўзиёвич
ТМИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон ташқи савдоси, ташқи савдо таркиби, унинг тижорат банклари фаолиятига таъсири, валюта операцияларини хусусан тижорат банклари валюта операцияларини ривожлантириш масалалари ҳақида сўз боради.

***Таянч сўзлар:** экспорт, импорт, ташқи савдо, валюта бозори, биржа ва биржадан ташқари валюта бозорлари, валюта операциялари, муддатли валюта операциялари.*

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается внешняя торговля Узбекистана, структура внешней торговли, ее влияние на деятельность коммерческих банков, развитие валютных операций, в частности валютных операций коммерческих банков.

***Ключевые слова:** экспорт, импорт, внешняя торговля, валютный рынок, биржевой и внебиржевой валютные рынки, валютные операции, срочные валютные операции.*

ABSTRACT

The article discusses the foreign trade of Uzbekistan, the structure of foreign trade, its impact on the activities of commercial banks, the development of foreign exchange operations, in particular the foreign exchange operations of commercial banks.

***Key words:** export, import, foreign trade, foreign exchange market, exchange and over-the-counter foreign exchange markets, foreign exchange operations, urgent foreign exchange operations.*

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигидан сўнг, ўтган қисқа вақт мобайнида банк соҳаси ривожланиши учун катта имкониятлар яратилди, тижорат банкларининг фаолияти ушбу қисқа даврда кутилгандан ҳам унумлироқ тарзда такомиллашди. Тижорат банклари фаолияти такомиллашишининг асосий сабабларидан бири, Ўзбекистон Республикасининг

жаҳон хўжалигидаги иштироқи салмоғи ошиб, халқаро иқтисодий муносабатлар кўлами кенгайиб бораётганидир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий пировард мақсади мамлакат иқтисодиётида бозор муносабатлари тамойилларини тўлиқ қарор топишидан иборатдир. Ушбу жараёнда иқтисодиётни глобаллашуви шароитида валютани тартибга солишнинг самарали тизимини вужудга келтириш, валюта соҳасида юзага келадиган турли ҳолатларни иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатан салбий таъсирини олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқариш катта аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга жаҳонда рўй бераётган пандемия таъсиридаги иқтисодий инқироз шароитида пул-кредит ва валюта муносабатларини тартибга солиш, республика валюта биржаси ва биржадан ташқари валюта бозорларини ривожлантириш, тижорат банклари валюта операцияларини такомиллаштириш масалаларини чуқур таҳлил қилиш зарурдир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон валюта бозори икки қисмдан иборат: Валюта биржаси ва биржадан ташқари валюта бозори. Валюта биржаси иштирокчилари Марказий банк ва ваколатли банклар ҳисобланади. Биржадан ташқари валюта бозори қатнашчилари эса тижорат банклари ҳамда уларни миқозлари, шунингдек аҳоли ҳисобланади. Ҳозирги кунда биржадан ташқари валюта бозори банклараро валюта бозорини бевосита ваколатли банкларда амалга ошириладиган валюта айрибошлаш операцияларини ҳамда валюта алмаштириш шаҳобчаларини ўз ичига қамраб олади. Мазкур бозорда валюта айрибошлаш операцияларини амалга ошириш учун ваколатли банклар ўз ресурслари ва жалб қилинган валюта маблағларидан фойдаланишлари мумкин. Банк тизимидаги ва валюта бозорини ривожлантириш борасида олиб борилган ислохотлар натижасида биржадан ташқари валюта бозоридаги операциялар ҳажми ўсди, банклар конвертация операцияларини амалга оширишда катта мустақилликга эга бўлди, ташқи савдо операцияларида иштирок этувчи миқозлар давраси кенгайди. Ҳозирги кунда банкларнинг ташқи иқтисодий фаолиятининг кўпгина йўналишларида ижобий натижаларга эришилди.

Ўзбекистон Республикасининг биржадан ташқари валюта бозорида қуйидаги валюта айрибошлаш операцияларини амалга ошириш кўзда тутилган:

- Экспорт қилувчилар томонидан валюта тушумининг сотиш билан боғлиқ бўлган операциялар.

- Товарлар ва хизматларни импорт қилиш билан боғлиқ бўлган барча операциялар.
- Хориждан мамлакатлардан ёки халқаро молиявий институтлардан янгидан жалб этилаётган кредитлар бўйича барча ҳисоб-китоблар.
- Хорижий инвесторлар билан ҳисоб-китоблар.
- Давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириладиган жорий валюта операциялари.

- Бошқа операциялар

Республика ҳукуматининг валютани тартибга солиш бўйича ислохотларини амалга ошириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, валюта тўғрисидаги қонунни янги таҳрири, валютани либераллаштириш, ташқи савдони тартибга солиш, валюта операцияларини такомиллаштириш тўғрисидаги ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Ташқи иқтисодий савдонинг эркинлашиши ҳамда алоҳида корхона ва банкларнинг ташқи бозорларга чиқиш билан валюта операциялари кўламини ошиши банкларда валюта операцияларини ривжлантиришга асос бўлди.

2017-2021 йиллараги Ўзбекистон ташқи савдо ҳажмини кўрадиган бўлсак, унинг кескин ошаётганлигини кузатишимиз мумкин.

1-жадвал

Ўзбекистон ташқи савдо айланмасида экспорт ва импорт ¹

Кўрсаткичлар	2017	2018	2019	2020	2021*
Ташқи савдо айланмаси, млн.АҚШ долл.:	26 566,1	33 429,9	41 751,0	36 256,1	42 071,6
Экспорт	12 553,7	13 990,7	17 458,7	15 102,3	16 610,6
Импорт	14 012,4	19 439,2	24 292,3	21 153,8	25 461,0
<i>савдо баланси сальдоси</i>	-1 458,7	-5 448,5	-6 833,6	-6 051,5	-8 850,4
Ташқи савдо айланмаси ўсиши, ўтган йилга нисбатан, % да:	109,6	125,8	124,9	86,8	116,0
Экспорт	103,8	111,4	124,8	86,5	110,0
Импорт	115,4	138,7	125,0	87,1	120,4

¹ www.stat.uz. - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси сайти

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси йилдан йилга ошиб бормоқда. 2017 йилда ташқи савдо 26566.1 млн.АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 42071.6 млн.АҚШ долларини ташкил қилган ёки 5 йилда 1.6 мартага (58.3% га) ошган. 2020 йилда ташқи савдо пандемия натижасида пасайганлигини ҳам таъкидлаш лозим. 2017-2021 йилларда экспорт ҳажми 32.3%га ошган бўлса, импорт ҳажми 81.7%га ошган.

Экспорт ва импорт ривожини ҳам валюта курси таъсири остида қолди. Шу муносабат билан жаҳон савдосига валюта бозори таъсири механизмларини ҳамда уни замонавий шароитда такомиллаштириш хусусиятларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда халқаро иқтисодий алоқаларнинг ҳар томонлама кенгайтириш ва ривожлантиришга йўналтирилган сиёсат изчиллик билан олиб борилаётган. Ўзбекистон Республикаси турли соҳаларда (жумладан, валюта соҳасида) халқаро муносабатларни тартибга солувчи конвенция ва келишувларнинг кўп миқдорини имзолади, ҳамда кўпчилик нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди.

Бундан ташқари, сўмнинг харид қилиш қобилиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида нафақат валюта операцияларини такомиллаштириш ва мавжуд валюта захираларининг ишлатиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган, балки Республиканинг истеъмол бозорини юқори сифатли товарлар билан тўйинтириш, чет эл сармоясини жалб қилишни рағбатлантириш, ўзимизнинг рақобатбардош маҳсулотларимизни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва экспорт ҳажмининг кенгайтирилишига қаратилган бир қатор чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Ташқи савдода мамлакатлар таркибини ўрганиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Ташқи савдо улуши юқори бўлган мамлакатлар билан ҳисоб-китобни учинчи валютада олиб бормаслик, валюта билан боғлиқ харажатларни камайтиришга замин ҳисобланади.

2-жадвал

Ўзбекистоннинг мамлакатлар билан ташқи савдо айланмаси динамикаси²

Кўрсаткичлар	2017	2018	2019	2020	2021
Ташқи савдо айланмаси, млн.АҚШ долл.:	26 566,1	33 429,9	41 751,0	36 256,1	42 071,6

²www.stat.uz. - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти

МДХ давлатлари билан	9 084,6	12 144,4	14 461,8	11 826,4	15 867,8
Бошқа давлатлар билан	17 481,5	21 285,5	27 289,2	24 429,6	26 203,7
Ташқи савдо айланмаси, фоизда:	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
МДХ давлатлари билан	34,2	36,3	34,6	32,6	37,7
Бошқа давлатлар билан	65,8	63,7	65,4	67,4	62,3

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси йилдан йилга ошиб бормоқда. МДХ давлатлари билан савдо улуши 2017 йилда 34.2%ни ташкил қилган бўлса 2021 йилда 37.7%ни ташкил қилган ёки 3.5 пунктга ошган. Ташқи савдо ҳажми эса 2017-2021 йилларда 9084.6 млн. АҚШ долларидан 15867.8 млн.АҚШ долларга ёки 74.7 %га ошган. Бошқа давлатлар билан эса ташқи савдо 2017 йила 17481.5 млн.АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 26203.7 млн.АҚШ долларини ташкил қилган ёки 1.65 мартага ошган.

МДХ ва бошқа давлатларининг Ўзбекистон билан ташқи савдо ҳажми улуши юқори бўлган давлатларни кўриб чиқамиз.

6-жадвал

Ўзбекистоннинг 2021 йилда МДХ ва бошқа давлатлар билан ташқи савдо айланмаси³ (фоиз ҳисобида)

№	Давлатлар	Экспорт	Импорт	Ташқи савдо
	МДХ давлатлари	30,9%	39,6%	37,7%
1	Россия Федерацияси	12,4%	21,4%	17,9%
2	Қозғоғистон	7,1%	10,8%	9,3%
3	Қирғизистон	4,8%	0,6%	2,3%
4	Туркманистон	1,2%	2,7%	2,1%
5	Украина	1,4%	1,9%	1,7%
6	Тожикистон	3,0%	0,4%	1,4%
7	Бошқа МДХ давлатлари	1,1%	1,8%	3,1%
	Бошқа давлатлар	69,1%	60,4%	62,3%
1	Хитой	15,2%	19,3%	17,7%

³ www.stat.uz. - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти

2	Туркия	10,2%	6,7%	8,1%
3	Корея Республикаси	0,3%	7,2%	4,5%
4	Германия	0,4%	2,7%	1,8%
5	Афғонистон	3,9%	0,0%	1,6%
6	Литва	0,4%	1,7%	1,2%
7	Хиндистон	0,2%	1,8%	1,2%
8	Эрон Ислом Республикаси	1,1%	1,0%	1,0%
9	Италия	0,2%	1,5%	1,0%
10	АКШ	0,4%	1,4%	1,0%
11	Бошқа давлатлар	36,9%	16,9%	23,3%
	ЖАМИ	100,0%	100,0%	100,0%

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасида асосий ўринни МДХ давлатларидан Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон эгаллайди. 2021 йилда экспорт ҳажми Россия билан 12,4 фоизни ташкил қилган бўлса, ишпорт ҳажми эса 21,4 фоизни ташкил этган.

Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасида МДХ давлатларидан ташқари Хитой, Корея, Туркия асосий ўринни эгаллайди.

Ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, кейинги йиллар мобайнида экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулот салмоғининг барқарор ўсиш тенденцияси ва хомашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2021 йилда умумий экспорт ҳажмида тайёр маҳсулотларнинг улуши 70 фоизни ташкил этди ҳолбуки, 2017 йилда бу кўрсаткич қарийб 56 фоизни ташкил этган эди. Бозор муносабатларининг ривожланишини ҳисобга олиб, умуман келтирилган ҳамма маълумотларни таҳлил қилсак, бизнинг республикада тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожланиш истиқболлари етарлидир.

Юқоридаги таҳлилларга асосан валюта бозорини жорий ҳолатини яхшилашда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- республикада ўтказилаётган валюта операцияларининг ҳажми ва турларини кенгайтириш;
- банкларо валюта операцияларини ривожлантириш, яъни валюта ва валюта курсини ҳамда ташқи савдо тизимини янада либераллаштириш,

жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги жамғармаларини рағбатлантириш лозим;

- Миллий валюта барқарорлигини таъминлашда экспорт таркибини яхшилаш, технологик қолоқликка барҳам бериш, меҳнат унумдорлиги ва мамлакатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар халқаро бозорда рақобатбардошлигини ошириш лозим.

Жаҳон бозорида пандемия натижасида ташқи савдо ҳажмининг камайиши кузатилган пайтда республикада ташқи савдо айланмасида ўсиш суръатлари кузатилди. 2021 йил якунларида кўра республикамизда ташқи савдо айланмаси 2017 йилга нисбатан 60,0 фоизга ўсди.

Ўзбекистон бутун халқаро жамиятнинг ва жаҳон молиявий-иқтисодий бозорининг ажралмас бир қисми ҳисобланар экан, жаҳондаги инкирозлар мамлакатимизга таъсирини ўтказмай қолмайди. Валюта операцияларини ривожлантириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ: валюта операцияларда янги технологиялар ва инструментлардан фойдаланишни кенгайтириш; валюта ва ташқи савдо тизимини ривожлантириш;

ваколатли банклар имкон қадар эркин айирбошладиган валютада қўшимча ресурслар жалб қилишга, шу жумладан, жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги жамғармаларини рағбатлантириш орқали ҳаракат қилишлари лозим.

REFERENCES

1. Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта кредит муносабатлари. Дарслик. Тошкент “IQTISOD-MOLIYA”, 2005 йил, 588 бет.
2. Бункина М.К., Семенов А.М. Основы валютных отношений: Учебное пособие. – М.Юрайт, 1998. – 192с.
3. Болтаев, Т. К. (2020). ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ВАЛЮТНЫХ ОТНОШЕНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ. Universum: экономика и юриспруденция, (4), 9-12.
4. Болтаев Т.К. Ўзбекистон ташқи иқтисодий муносабатларини ривожлантиришда валюта курси прогнозининг роли. “Молия” журнали 2010 йил 3-сон.
5. www.stat.uz. - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти